*Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!*

# Ишонч

49

1993 йил 4—10 декабрь [142]

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

## 8 ДЕКАБРЬ—ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!



Бир ёшга тўлганинг қутлуғ бўлсин, дўмбоғим!

Бу азиз ватан—барчамизники. Унинг бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса жонни фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир.

Ислом КАРИМОВ.



***КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ** бир йиллиги муносабати билан шу ва шу каби саволларга малакали жавоб бериш мақсадида газетамиз саҳифасида «Конституция сабоқлари» деган янги рукн очишни маъқул кўрдик. Ҳар ойда шу туркум бўйича бир мартадан сиз азиз мухлисларимиз билан мусоҳаба қилишни «Ишонч» газетасининг ҳуқуқ масалалари бўйича шарҳловчилик вазифасини Тошкент Давлат юридик институти ректори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Акмал Саидов ўз зиммасига олди. Эътиборингизга биринчи сабоқни ҳавола этамиз.*

# ИСТИҚЛОЛ ҚОМУСИ

***Ҳур Ўзбекистонимизнинг тарихи биринчи Конституциянинг қабул қилиниши республикамизнинг янгидан туғилишидир, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришидир.***

**Ислом КАРИМОВ.**

МУСТАҚИЛ Ўзбекистон дадил ва шаҳдам қадамлар билан, жаҳон ҳамжамияти аъзоси бўлмиш мамлакатлар орасида ўзининг муносиб ўрнини топиб, илдамлаб бормоқда. У ўз-ўзлигини намоён этишга истиқлол ва ҳуррият шарофати-ла эришди. Ҳар бир давлатнинг давлат сифатида қайтарилмас ва ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи Асосий Қомуси — Конституцияси бўлади. Жамиятни умумбашарий ва миллий қадриятлар асосида ташкил этишда Конституциянинг аҳамияти беқиёсдир. Асосий Қонун ўз моҳияти — эътибори билан ҳар қандай демократик жамиятнинг асосий беш белгисидан биридир. Унда инсон, шахс ва жамиятнинг ҳуқуқий манфаатлари, давлат ҳокимиятининг тузилиши ва унинг идоралари фаолиятини ташкил этишни мезоний қоидалари ифода этилади. Бир сўз билан айтганда Конституция — давлатнинг ўзига хос таништирув ҳужжати деса муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон мустақил давлатчилигининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб Республика Конституцияси хизмат қилади. У миллий истиқлол ва умумбашарий истиқбол Қонунидир. Асосий Қомусимиз тарихий ҳужжат сифатида Ўзбекистон йилномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзилиши муқаррар.

Шу муносабат билан тарихий онни чуқур ҳис этиб, бир неча саволларга жавоб бермоқ даркор: **Конституция қандай яратилди? Асосий Қонун муҳокамасининг кечиши ва натижалари нималардан иборат? Қомусимизнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади?**

Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик ва ҳуқуқ тарихи ўзининг чуқур илдизларига эга бўлиб, қадим-қадим даврларга бориб тақалади. Шу муносабат билан миллий давлатчилигимиз ва сиёсий ҳуқуқий маънавиятимиз томирларини ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмас. Президентимиз И. А. Каримов «Халқимизнинг маънавий пойдевори бўлажак давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам» деб бежиз айтмаганлар.

Тарихий тараққиётнинг айрим босқичларида республикамиз ҳудуди йирик давлатлар таркибига кирган бўлса, айрим босқичларда унинг ҳудудида бир неча мустақил давлатлар мавжуд бўлган. Ўзбек давлати пайдо бўлиши ва тараққий этиши солномасига бир назар ташлайлик.

Сўнгги тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида 20 га яқин қабилалар бўлиб, улар бир неча қабилалар иттифоқига бирлашган эдилар. Булар орасида бир неча қабилаларни бирлаштирувчи массагетлар иттифоқи алоҳида мавқе билан бошқалардан ажралиб турган. Туркий халқлар, жумладан ўзбек халқининг чуқур илдизлари ана шу массагетларга бориб тақалади.

Тарихий манбаларда эрамиздан аввалги XV—XII асрларда Марказий Осиё ҳудудининг асосий қисми Оссурия давлати таркибида бўлганлиги, мустақил Хоразм давлати ҳақида Марказий Осиёда Аҳмоний подшоҳларининг ҳукмронлиги ўрнатилади. IV асрнинг иккинчи ярмида хоразмликлар, кейинчалик сак қабилалари мустақилликка эришади.

Эрамиздан аввалги IV асрнинг охирги чорагида Хоразм давлатидан ташқари бутун Марказий Осиё македонияликлар томонидан босиб олинади. Искандар Зулқарнайн вафотидан сўнг Марказий Осиё ҳудуди Салавкийлар давлати таркибига киритилди. Эрамиздан аввалги III аср ўрталарига келиб Грек-Бактрия подшолиги ташкил топиб, унинг таркибига Бақтрия, Суғдиёна ва Паркана (Фарғона) киради. Кейинчалик Ўрта Осиё ҳудудида Хоразм давлати билан чегарадош бўлган Тоҳаристон давлати ташкил топади. Кўп ўтмай у кичик-кичик давлатларга бўлиниб кетади.

Эрамизнинг I-IV асрларида Марказий Осиё ҳудуди Кушан подшолиги таркибида бўлди, IV асрнинг охирги чорагида Марказий Осиёда кичик-кичик давлатлар ташкил топди. V аср ўрталарида Марказий Осиё Эфталитлар давлати томонидан босиб олинди. VI асрнинг охирги чорагидан араблар босиб олгангача Марказий Осиё Ғарбий Турк хоқонлиги таркибида бўлди.

VIII аср бошларида Марказий Осиёда араблар ҳукмронлиги ўрнатилди. Араблар бизнинг ўлкани Мовароуннаҳр деб атадилар. IX аср охири X аср бошларидан X асрнинг иккинчи ярмигача Ўзбекистон ҳудудида Сомонийлар, X асрнинг иккинчи ярмидан Қорахонийлар, XI аср бошларидан Салжуқийлар ҳукмронлик қилдилар. XI аср бошларида хоразм Ғазнавийлар томонидан босиб олинди. XII асрнинг ўрталарида Мовароуннаҳрни Қора-кидонлар ўзига бўйсундирди. XII асрда Хоразм яна мустақилликка эришди. XIII аср бошларидан XIV асрнинг 60-йиллари ўрталаригача Мовароуннаҳрда мўғуллар, XV аср охирларигача Темур ва темурийлар, XVI асрдан Шайбонийлар ҳукмронлик қилдилар. XV асрнинг охирида Ўзбекистон ҳудудида Бухоро, Хива, XVIII аср бошларида Қўқон хонликлари ташкил топди. Марказий Осиё XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия томонидан босиб олинди. Қўқон хонлиги тугатилди. Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинди. Бухоро ва Хива хонликлари устидан Россия протекторати ўрнатилди. Ҳудудимиз Туркистон ўлкаси деб атала бошлади.

1917 йилда «қизил империя» ҳукмронлиги ўрнатилиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилгандан Ўрта Осиё ибораси қўлланила бошланди.

Демак, бизнинг ёш мустақил ўзбек давлатимиз ўзида кўҳна Суғдиёна ва Хоразмдан бошлаб, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар давлатларининг давлат бошқарув тажрибасини, қадимий халқимизнинг бутун тарихий тажрибасини ҳамда унинг ўз миллий давлатига эга бўлиш каби асрий орзуларини мужассамлаштирган. Яъни ҳозирги ўзбек давлати умумжаҳон ва миллий давлатчилик тараққиёти қонуниятларини ўзида узвий равишда мужассамлаштиради. Ўзбек давлати ўзининг салкам 3 минг йиллик тарихига эга.

Ўзбекистон Оврупо ва Осиё маърифатпарвар дунёсини, цивилизацияларини бирлаштирувчи буюк халқаро йўллар кесишган заминда жойлашган. Маърифатпарварчилик давридаги маънавиятимиз шакллана бошланганига камида 2,5 минг йил бўлган. Ўзбеклар ғоят кўҳна ва кўпдан-кўп негизга — саклар, массагетлар, суғдлар, Ксеркс ва Искандар Зулкарнайн, салафкид ва кўп қабилали туркларгача бўлган ғоят қадимий ва чуқур илдизли миллат ҳисобланади. Уларнинг авлод-аждодлари бундан минг йил муқаддам шу тупроқда ўтроқ бўла бошладилар. Ўзбек элати шаклланишида ўтмишда араблар ва форс-тожик маданияти намоёндалари, XIII—XIV асрлардаги мўғуллар ҳамда XV—XVI асрлардаги Чингизхоннинг Чиғатой улуси мўғуллари ўзларининг бевосита таъсирини кўрсатганлар. Бу масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, ўзбекларнинг ота-боболарига, аждоду-авлодларига, ҳиндлар, хитойлар, греклар томонидан ҳам маданий таъсирлар бўлганини кўриш мумкин.

Таъбир жоиз бўлса элат тарзида шаклланган бу ўзига хос гиламда уйғурлар, арманлар, лўлилар ва ўнлаб бошқа нисбатан кам сонли миллий жамоаларга тааллуқли, дарҳол кўзга ташланмайдиган маданий иплар ҳам тўқилганлигини айтиш керак. XX асрдан кўпроқ даврдан бери Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда бизнинг авлод-аждодлар билан бирга яҳудийлар яшаган ва яшаб келишмоқда. X асрдан XV асргача Мовароуннаҳр шаҳарларида талайгина христиан-несторианлар ҳам яшаганлар. Ислом қабул қилингунга қадар мўғул ҳукмдорлари оммавий равишда уларга ҳомийлик қилганлар.

XIX аср охирига эътиборан Туркистон халқлари орасига руслар ва рус маданияти кишилари қўшилди. Буларнинг ҳаммаси аниқ тарихий ва миллий ўзига хослик шароитида миллий давлатчиликнинг ва ҳуқуқий тизимнинг табиий туғилиши ва ривожланиши гувоҳидир.

Ўлкамизнинг мўғулларгача бўлган ва темурийлар давридаги номи — Мовароуннаҳр Уйғониши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш даркор. Ислом цивилизацияси халқимизнинг дунёқарашини тўлдирди ва бойитди, бу халқ жаҳонга таниқли ва умумбашарият томонидан тан олинган буюк мутафаккирларни етказиб берди.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон ўз тараққиётининг бутун асоси бўлмиш миллий давлатчилиги, ҳуқуқий тизимини қайтадан яратмоқда. Халқимизнинг маънавияти камолот топмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ҳуқуқий давлат қуришга азму қарор қилган экан, юксак ҳуқуқий маданият, Конституция ва қонунга ҳурмат, итоатгўйлик миллий истиқлол мафкурасида муҳим ўрин эгаллаши лозим. У ўзида халқимизнинг энг ардоқли фазилатлари — иймон ва инсоф, меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, уят ва андиша, ор-номус, ўзаро ҳурмат, юксак ватанпарварлик, элига ва халқига садоқат қадриятлари ва ғояларини мужассамлаштиришига ишончимиз комил.

Ўзбек халқи асрлар мобайнида авайлаб сақланиб, сайқал топиб келган ўз миллий урф-одатлари, расм-русм, удум ва эътиқоди, ғурури, ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи, ҳуқуқий онги, бир сўз билан айтганда, маданий-маънавий дунёси билан ажралиб туради. Буюк аждодларимиз умумбашарият маърифатпарварлигини яратишда бевосита иштирок этганлар, улар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшганлар. Уларнинг бой маданияти ҳуқуқий меросидан Асосий Қомусимизни яратишда кенг фойдаланилди.

Ўзбекистоннинг умумхалқ байрами — Конституциямиз қабул қилинган куннинг бир йиллиги кенг нишонланмоқда. Мана икки йилдан ошдики бой, кенг маънавий, маданий ва ҳуқуқий тарихга эга халқимиз истиқлол қуёшининг ҳаётбахш нурларидан баҳраманд бўлмоқда. Шу боисдан мустақиллик туфайли эркин нафас олмоқдамиз. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини қабул қилинган кундан буён ўтган муддат тарих уммонида бир томчидир, холос. Лекин унинг бой мазмуни ва тақдириломон моҳиятини ҳисобга олсак, ҳозирги ҳар бир кунимизнинг йилларга татигулик эканлигини эътироф этмоқ зарур.

Мустақилликка мушарраф бўлган халқимиз ўз тараққиёт йўлини танлади — келажаги буюк Ўзбекистонни бунёд этишга бел боғлади. Бу нурли истиқбол йўли машаққатли ва мураккаб йўлдир. Асосий Қомусимиз «шу эзгу мақсаднинг ҳуқуқий кафолати бўлажак». Чунки биз ўз тараққиёт йўлимизни Конституция асосида белгилаб олдик. Эндиликда давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Асосий Қонунимизни қанчалик ҳаётга изчил тадбиқ этишимизга боғлиқ.

**Акмал САИДОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти ректори, профессор.**

# ТАРИХНИ ЯНГИТДАН ВАРАҚЛАГАНДА...

*Тарих фанлари номзоди Турғун Файзиев қарийб йигирма йиллик меҳнатини хотима қилди. Бу меҳнат «Темурийлар шажараси» деган улкан китоб бўлиб, майдонга келди ва нашрга тайёрланди.*

МЕН тарихчи ҳам эмасман ва тарих китоблари ёзилишининг услубиётини ҳам билмайман. Аммо бир нарсани биламан: ҳар қандай тариҳ синфсиз ва партиясиздир. Агар бирон синф, бирон партия манфаатларидан келиб чиқиб тарих яратилса, у тарих эмас, ўша синф ва партиянинг тарихга муносабатидир. Шўравий тарих фани марксизм-ленинизмни байроқ қилиб олди ва шу байроқ остида тарихга тош отди. Ўтмишга тош отма, у сени палаҳмон билан уради, деган гап ғоят ибратли. Шўрони тарих палаҳмон билан уриб йиқитди.

Турғун Файзиев ушбу «шажара»ни 70-йилларнинг бошларидан бошлаб, аста-секин, шошилмай поёнига етказди. Темур ва темурийлар тарихини шундай ёздики, бирон бежама сўз, бурама гаплар, сиёсий шарҳлар, синфий ва партиявий қарашлар истеъмол қилмади. Аммо бор самимият, ҳолислик ва ҳаққонийлик билан ёзилган китобни худди гўзал бадиий қисса ўқигандек бир зарбда киприк қоқмай ўқиб чиқасиз. Ҳатто муаррих китобга хулоса ёзишни ҳам лозим кўрмади, мен бу вазифани ўз зиммамга олар эканман, муаррихнинг «камчилиги»ни тўлдириш мақсадида эмас, балки азбаройи ўз қарашларимни, китобдан олган таассуротларимни қоғозга тушириш ниятида ёздим, холос.

**Биринчи хулоса! Амир Темурнинг қиёфаси ҳақида.** Муаррих тарихни янгитдан варақлар экан, Амир Темур ибн Муҳаммад Тарағай Баҳодурни шундай тасвирлайди: келбатли,ҳусндор, аммо ўта салобатли, ўрта бўй, оқ сариққа мойил қирра бурун, қўй кўз одам эди. Ҳақиқатда ҳам Сеистонда булужлар билан урушган пайтда ўнг қўли ва ўнг оёғидан ўқ еб яраланган, шу туфайли оқсоқланиб юрган. Бироқ чап қўл билан шундай қилич чопганки, чапдаст қиличбозлар ҳам унинг маҳоратига дош бера олмаганлар. Бу тасвир бизнинг Амир Темур ҳақидаги илгари бад тасаввурларимизни буткул супуриб ташлаб, Соҳибқиронга бўлган таважжуҳимиз юзини очади.

**Иккинчи хулоса: Амир Темурнинг насаби ва маънавий қиёфаси ҳақида.** Кўпгина тарихий манбаларда, шу тарихий манбаларнинг ибтидоси бўлган Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ан-мақдур фи таризи Таймур» асарида ҳам Амир Темурнинг насаби негадир ёлғонланиб, уни бир чўпоннинг ўғли, ёки қуллар авлодидан деб кўрсатилади. Агар бу гап Ибн Арабшоҳга суянган ҳолда айтилган бўлса, у ҳолда шуни таъкидлаш керакки, Амир Темур Дамашққа босқин қилганда Ибн Арабшоҳ ёш гўдак бўлиб, Соҳибқирон унинг оиласини Самарқандга олиб келган эди. Ўз ватанининг босқин бўлгани, Самарқандга келгани албатта Ибн Арабшоҳ юрагига алам солган ва бу алам Мисрга бориб ёзилган ўша китобда акс этган. Аммо даврлар ўтган сари тарих юзидан қора парда кўтарилиб, соф ҳақиқат аниқланди, Ибн Арабшоҳникидан кўра мўътабарроқ манбаларга асосланиб Амир Темур насаби ҳақида ҳаққоний гап айтилди. Шулардан бири Турғун Файзиев бўлди. Амир Темур туркий халқларнинг «барлос» уруғидан, бу уруғ халқ орасида бениҳоя нуфузга, ҳурматга сазовор бўлган муҳими, ҳамиша салтанат ишларида пешқадам ўринни эгаллаган. Амир Темур йўлтўсарлик қилмаган, карвонларни таламаган. Шу нарса аниқки, қароқчилик, йўлтўсарлик, мол-мулкка ўчликдан, аламзадаликдан, очкўзлик ва ваҳшийликдан келиб чиқадиган ҳодисадир. Амир Темур зодагон оиласида туғилди, зодагонлик тарбиясини олди. Демак, мактабда, сўнг мадрасда ўқиб, ўз даврида расм бўлган кўпгина билимларни эгаллади, ҳусусан, ўша даврда зарурий бўлган диний илмни — фикҳ, Қуръону ҳадисларни ўрганди. Амир Темур ҳатто фалакиёт, ҳандаса, риёзиёт, жуғрофия ва тарих илмларидан хабардор бўлди. Шеъриятни жуда нозик тушунар эди. Биз шўравий адабиётларда 17-йилдан аввалги Шарқ подшоларини саводсиз, аҳмоқ деб ўқиб, шуни миямизга сингдириб олганмиз. Ваҳоланки, подшо бўлиш — юртни бошқариш учун билим, иқтидор, салоҳият лозим бўлади. Амир Темур-ку жаҳоннинг ярмисига ҳукмини ўтказган, биргина «Амир Темур» деган номнинг ўзиёқ Соҳибқирон тириклигида сиёсатни, ҳарбий тактика ва стратегияни, ижтимоий тараққиётни тебратган.

«Темур бениҳоя шафқатсиз бўлган», дейилади тарих китобларида. Тўғри, Амир Темур сиёсатидаги зулм-зўрликни инкор қилиб бўлмайди. Бинобарин, салтанат, умуман давлат бор экан, истибдод бўлиши табиий бир ҳолдир. Фаробий, Томас Мор орзу қилган идеал давлат идеал жамият ҳали узоқ асрлар армонлигича қолаверади. Амир Темур салтанатига келсак, шундай катта салтанатни — Каспий денгизидан Парижгача, Орол бўйларидан Бағдодгача, дунёнинг деярли ярмини эгаллаган салтанатни кўнгилчанлик билан бошқариб бўлмас эди. Шунинг учун Амир Темурнинг бир қўлида қилич, иккинчи қўлида адолат муҳри турган бўлса не ажаб!

Устоз Бўрибой Аҳмедов таъкидлаганидек, Амир Темурнинг шундоқ бепоён салтанатида еттитагина ноиби бўлган, холос. Аммо шу етти ноиб давлат ишларини оқилона тебратиб, биргина Турон юртини эмас, унинг қаламавравида бўлган бошқа барча мамлакатларни ободонлаштирганлар.

**Учинчи хулоса:** Амир Темур салтанати тарихий зарурат эди. Ижтимоий ҳаёт, халқларнинг ҳаёт тарзи шундай буюк бир шахснинг дунёга келишини кутар эди. Мовароуннаҳр, Эрон, Озарбайжон, Хуросон мўғуллар оёғи остида инграр, нажот истар эди. Шундай нажот фариштаси Амир Темур бўлди. У тарих саҳнасига чиқиб, Турон заминини мўғуллардан тозалади, аммо ўзи подшо бўлмади, яна подшолик мўғуллар қўлида қолаверди. Лекин Амир Темур амир ул-умаро эди; у мўғулзодалардан номигагина хон тайинлар ва бу қўғирчоқ хонлар Соҳибқирон қўлида ҳар мақомга йўрғалар эдилар. Демак, мўғулзодаларнинг салтанат ишларида ҳеч қандай роли бўлмаган, деб хулоса чиқаришимизга асос бор. Амир Темур жуда катта, қуроқ бир салтанатни бошқариш ишини нозик сиёсат, тадбиркорлик билан олиб борганлигини Турғун Файзиев ҳаққоний ифодалай олган. Бинобарин, Амир Темур салтанат ишларини олиб боришда беш устунга суянади: машварат, шариат, тўра-тузук, дипломатия, қаттиққўллик. Энг нозик сиёсий, ҳарбий ишларда қурултой чақириш Амир Темурнинг одатларидан эди. Бу қурултойга ноиблар, сайидзодалар, барлос уруғининг йирик вакиллари, дин пешволари, саркардалар, шаҳзодалар, хонлар, султонлар таклиф этилар ва қурултой иродаси Соҳибқирон учун қонун эди. Ислом ва шариат рукнлари ҳар бир мусулмон ҳукмдор учун қонун, Амир Темур, айниқса, бунга қаттиқ риоя қилган. Тўра-тузук Амир Темурнинг ўзига ҳос давлат Конституцияси эди, унга амал қилиш тўра-тузук бўйича иш олиб бориш Соҳибқирон зафарларини мустаҳкамлади. Амир Темурнинг дипломатик муносабатлари ҳамма даврлар учун намуна билгуликдир. Зотан, бирон давлатга камситиш назари билан қарамаган, душман мамлакатни ўзига дўст қилмоқ учун ҳаракат қилган, аммо атрофидаги подшолар, султонликларга нисбатан ҳушёр бўлишни унутмаган. Салтанатнинг ички сиёсатида эса ноиблар, беклар, умуман амалдорлар устидан назоратни жуда қатъий қаттиққўллик билан ўрнатган эди. Агар Соҳибқироннинг хорижда ҳуфялари қанчалик кўп бўлса, салтанат ичкарисида ҳам улар он қадар эди. Озгина нохуш хабар, озгина шубҳа туғилса, ўша ноиб Амир Темур томонидан мансабдан азл этилар ёки бошқа бир қаттиқ жазога мустаҳиқ эди: у хоҳ бегона бўлсин, хоҳ ўз жигаргўшаси бўлсин, Соҳибқироннинг учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзо (1366—1408)нинг тўнғичи, ҳукмдорнинг севимли набираси Ҳалил Султон Мирзо (1384—1411) бировнинг ҳасмига чанг солиб, ҳарамига олиб келганда уни валиаҳдлик мартабасидан азл қилган, ҳатто Ҳиндистон уруши вақтида Темур лашкари қутурган филлар қаршисида лол қолиб, ортга чекиниш фикрига тушганда, Ҳалил Султон маст туялар устига ҳашак ортиб, хашакларни ёндириб, уларни филлар томонга ҳайдаб, филларни қочириб, ғалабани таъминлаганда ҳам Соҳибқирон «Баракалла»дан нарига ўтмаган. Демак Ҳалил Султонни аҳлоқий бузуқлиги учун кечирмаган. Амир Темур даврида бошқаларга нисбатан сайидлар ва барлосларгина қаттиқ жазоланмасдилар. Бундай имтиёзга сабаб, сайидларнинг пайғамбар авлодидан бўлганлиги, барлосларнинг эса тахт қўлга киритилишидаги хизматлари ва халқ ўртасидаги катта нуфузга эгаликлари эди.

**Тўртинчи хулоса:** Ўқувчида шундай бир иштибоҳ туғилиши мумкин: у ўзбекларга қарши уруш олиб борган-ку, нега энди биз ўз душманимизни мақтаймиз? Амир Темур номига нисбат берилган «Темур тузуклари» ва «Зафар йўли» асарларида, «Бобурнома»да «Ўзбекларни аёвсиз қирдим», деган ибора ҳозирги этник халқ — ўзбеклар эмас.

Тарихдан маълумки, Дашти қипчоқдан Мовароуннаҳрга оқиб келган Олтин Ўрда саройининг аскарлари «Ўзбеклар» деб аталган. Ва улар ҳарбий оппозиция бўлиб, миллатга ҳеч қандай алоқаси йўқдир. Бу ҳарбий оппозициянинг балки ўзбек уруғига ҳам алоқаси йўқ, чунки тарихий ҳақиқатлар шуни исбот қиладики, қадимий ўзбек-уруғи Мовароуннаҳр ва Ҳуросон ҳудудларининг қадимий халқлари саклар, массагетлар, қарғлар, хоразмийлар, тоҳарийлар билан боғлиқ бўлиб. Дашти Қипчоқдаги ўзбек ҳарбийларига охир пировардида Темур даврида алоқаси бўлмаган. Улар ўзбек халқига кейинчалик 15—16 асрларда сингишиб кетган.

Ўрни келганда бир гапни айтиб ўтиш лозим: зиёлиларимизнинг баъзи қатламлари орасида биз ўзбеклар эмас, туркларимиз, деган фикр ҳоким. Бу гап шу жиҳатдан нотўғрики, аввалдан турк миллати бор ва у битта давлат байроғи остига бирлашган. Иккинчидан, ўша зиёлилар туркиймиз, дейдирган бўлсалар, у ҳолда «Туркий» термини умумий бўлиб, кўп уруғлар, қабилалар, элатлар, умуман халқларни бирлаштиради. Ахир биз славян деганда миллатни, битта байроқ остига бирлашган халқни тушунамиз-ку. Руслар, беларуслар, чехлар, булғорлар, руминлар ва бошқа шунга ўхшаганлар «славянлар» деган термин билан аталадилар. Ўзбек халқи тарихан маълумки, 19-асрнинг иккинчи ярмидан миллат ва халқ сифатида шаклланган ва 150 йилдан буён шу ном билан халқ сифатида жаҳон сиёсий ҳаётида роль ўйнаб келади. Эндиликда, биз«ўзбек»номидан кечиб, ўша зиёлилар сингари ва баъзи тушунмаган кимсалардек «туркмиз» дейишимиз ноўриндир.

ЭНДИ асосий масалага қайтсак, шуни назарда тутиш керакки, Амир Темур даврида ундан аввал ҳам, ундан кейин то 20-асрга қадар, тўғрироғи октябрь инқилобига қадар миллат тушунчаси бўлмаган, яъни ана у қозоқ,бу тожик, наригиси туркман, буниси ўзбек миллати деган гаплар бўлмай, умум туркий халқ тушунчаси ҳоким эди. Зеро, Амир Темурда ҳам, ундан аввалги подшоларда ҳам халқларни миллатларга ажратишдан ҳеч қандай сиёсий манфаат йўқ эди. Ўша ҳукмдорларда маълум даражада уруғчилик ва табақачилик (сайидлар,барлослар, хонлар ва ҳоказо) иллати бўлган эса-да, ажабки, улар уруғчилик манфаатларини умум давлат манфаатларига хизмат қилдирганлар. Аммо Амир Темурдан кейинги даврда уруғчилик иззат-нафсга, қонҳўр душманликка айлангани рост. Бу уруғчилик бора-бора маҳаллийчилик иллатига айланиб кетди. Шўро замонида эса миллатчилик деган дард пайдо бўлди-ки, бу халқларнинг бошига ёғилган кулфат эди.

**Бешинчи хулоса:** Амир Темур даврида маданият, санъат, илм-фан гуркираб ўсди. Жаҳонгир қаерғаки бормасин, ўша ердан қўли гул усталарни ҳунарманд ва санъаткорларни, шоиру олимларни олиб келди,уларни тарбиялаб вояга етказди. Унинг даврида Самарқанд ер юзининг сайқалига. Бухоро ислом динининг қувватига айланди. Шаҳрисабз Кеш,Шоҳруҳия, Фориш, Султония шаҳарлари бунёд этилди. Ҳуллас, Турон юрти ўз маданий тараққиёти билан жаҳоннинг кўзини қамаштирди.

Бу соҳада ҳам Амир Темурни айбловчилар кўп эди: бинобарин, у зўрлик, зўравонлик ишлатиб Туронга ўзга мамлакатлардан.маданият ва санъат усталарини олиб келган, деб айбладилар. Аммо муаррихлар Амир Темурни бу соҳада айблайдилар-да, Москва, Питербург, Екатеринбург, Грозний, Киев сингари шаҳарларнинг қандай зулм-зўрлик билан барпо этилганини гўё унутадилар. Албатта, Амир Темурнинг босқинларини, бошқа мамлакатларни ғорат қилганини тарих авф этмайди. Аммо у тарихан зарурий шахс сифатида шу ишларни қилишга мажбур эди, зотан Турон минтақаси азалдан бошқа ҳукмдорларнинг ҳадафи бўлиб келгани, демак Темур уларни забт этмаса, бошқа хукмдорлар Туронни юнонлар, форслар, араблар, мўғуллардан баттар талон-тарож қилиб, гадо бўлиши турган гап эди. Аммо қизиғи шундаки, Амир Темур ўзи забт этган мамлакатларнинг подшоларини яна тахтига ўтқазган, агар ўша подшо жангда ҳалок бўлса, унинг зурриётидан подшо тайинлаган. Демак миссионерлик ҳаракати унинг фаолиятида кўринмайди. Шу билан бирга забт қилган мамлакатида гуноҳкорларни қатли ом қилиш билан бирга, ўша жойда ободончилик ишларини ҳам олиб борган. Албатта музаффар ҳукмдор сифатида ўз юртини обод қилмоқ учун бошқа юртларнинг маданият ва санъат усталарини жалб этган бўлса, бунинг тонг қоладиган жойи йўқ.

**Олтинчи хулоса:** Турғун Файзиев ушбу китобни беш қисмга бўлади: Амир Темур ҳақида, Жаҳонгир Мирзо ва унинг авлоди ҳақида, Мироншоҳ Мирзо ва унинг авлоди ҳақида, Умаршайх Мирзо ва унинг авлоди ҳақида, Шоҳруҳ Мирзо ва унинг авлоди ҳақида. Шу бобларда Соҳибқироннинг тўрт ўғлидан тарқалган зурриёт ҳақида мукаммал маълумот беради. Боз устига Амир темур никоҳига кирган хотинлар ва унинг қизлари, қизларидан тарқалган зурриёт ҳақида ҳам маълумотлар учратамиз. Китоб ана шуниси билан қимматли.

Муаррих Соҳибқироннинг тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо (1356—1376) ҳақида маълумотларни баён қилар экан, 20 ёшга етиб қирчинида қийилган бу шаҳзоданинг амалларини тўла баён қилиб, 1471 йилгача давом этган зурриёти ҳақида қимматли маълумотлар келтиради. Соҳибқироннинг иккинчи ўғли Умаршайҳ Мирзо (1356—1394) ва унинг зурриёти ҳақидаги маълумотлар 1515 йилгача келади. Демак, Соҳибқирон хонадонининг бу шаҳобчаси Бадиуззамон Мирзо билан тугайди. Учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзо (1366—1408) шаҳобчаси 1613 йилгача давом этади. Тўртинчи ўғил Шоҳруҳ Мирзо (1377—1447) авлоди 1471 йилгача давом этган. Мироншоҳ Мирзонинг набираси, Умаршайх Мирзо (1456—1494) нинг ўғли Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ зурриёти эса 1858 йилгача Ҳиндистонда давом этди ва Темурийлар салтанати шу ерда тугайди.

Муаррих ушбу китобга кирган маълумотларни эринмай, битталаб йиққан кўринади. Бундай яхши ишни халқимиз «игна билан қудуқ қазибди», деб баҳолайди. Турғун Файзиев, назаримда, тирноқ билан қудуқ қазиб, ташна дилларни қувонтирган. Темурийлар ҳақида бунчалик мукаммал маълумот берган тарихий баён ҳали яратилмаган эди.

Амир Темур зурриёти ҳақидаги бу китобни ўқир эканмиз, беихтиёр нима сабабдан Соҳибқирон яратган буюк салтанат парчаланиб, йўқ бўлиб кетганлигига жавоб топгандек бўламиз. Бинобарин, биринчидан, салтанат асосчисининг васиятларига амал қилмаслик, шуҳратпарастлик (Соҳибқирон саъжиясида бу иллат бўлмаган), хотинбозлик, маишатпарастлик, ўгайваччалик ва бир оилада тарбияланмаганлик ва энг муҳими салтанат ишларига аёлларнинг бевосита ва билвосита аралашувидир; фикримизнинг исботи ўлароқ Ҳалил Султоннинг хотини Шоди Мулк, Шоҳруҳнинг хотини Гавҳаршод бегим, Ҳусайн Бойқаронинг хотини Ҳадича бегим сингариларни кўрсатиш мумкин. Биринчиси, салтанат ишларига фаол иштирок этганлиги туфайли Ҳалил Султон тахтдан азл этилди, иккинчиси,маккорлик ва димоғдорлик билан набирасини «куфрга кетган» отага қарши қўйди, учинчиси,макр-ҳийла билан набирасини қатл этдириб, салтанат тагига сув қуйди.

Дуруст. Амир Темурнинг ўзи ҳам аёлларни салтанат ишларига аралаштирган, жумладан Бибихоним (Сароймулкхоним) йирик давлат арбоби даражасига кўтарилган зукко ва тадбиркор аёл эди. Аммо шундоқ эса-да, салтанат жиловини қўлига ола билмаган, бинобарин Амир Темур бунга йўл ҳам қўймаган эди. Амир Темурда шундай бир одат бор экан: Бибихоним бирон маслаҳатга оғиз очса Соҳибқирон уни сиртдан писанд қилмай эшитар экан-да, расмана мулоҳаза ва мушоҳада тарозисида тортиб кўриб, сўнг ҳаётга тадбиқ этар экан. Амир Темур тарихидан кўриладики, Бибихоним Соҳибқиронсиз элчиларни қабул қилганда ҳам, Соҳибқирон сафарда эканида Самарқанд тахтини тебратиб турганда ҳам йирик сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий масалаларда ўзбошимчалик билан ҳукм чиқармаган. Билмадим, эҳтимол Бибихоним аёллигига бориб биронта шаҳзодани ғийбат қилгандир, ёмонлагандир, аммо Соҳибқироннинг саъжиясидан маълумки, у ғийбат ва бўҳтонларга эмас, далилларга суянган. Аммо ундан тарқалган фарзандлар ва набираларда (Бобуршоҳ айнан бобокалонига ўхшар эди) кўнгилбўшлик, аёллар сўзига эътимод, таважжуҳ ва акставажжуҳ кучлироқ эди ва шу сабаблар каттакон салтанатни инқирозга олиб келган бўлиши эҳтимол.

**Асосий хулоса:** Бу китоб,бу ўттиз йиллик тинимсиз, бунинг устига жамоатчиликдан, ҳусусан, шўравий ташкилотлардан пинҳона олиб борилган тадқиқотдир. Турғун Файзиев меҳнатини чумоли меҳнатига қиёс қилгулик: у тинимсиз эринмай тарихий далилларни йиғади, уларни бир жойга тўплайди ва уларни яна янгитдан ҳолис муаррих кўзи билан кўриб, муаррихнинг покиза қўли-ю, иймони билан ёзиб чиқди. Сўз боши муаллифи Бўрибой Аҳмедов айтмоқчи, «натижа ўлароқ ҳаммага зарур китоб юзага келди».

Турғун Файзиев бу билан чекланиб қолгани йўқ: у тарихни янгитдан варақламоқда...

**Асрор САМАД.**

